

ЕВРОПАДА НАВОИЙШУНОСЛИК

*Халлиева Гулноз,
УзДЖТУ профессори, филология
фанлари доктори*

*А. Юсупова,
Аниқ ва ижтимоий фанлар
университети 1-курс магистранти*

Жаҳон навоийшунослиги тадрижи ва такомилига назар соладиган бўлсак, Алишер Навоий ижодининг Франция, Америка, Германия, Финляндия, Нидерландия, Япония, Россия каби бир қанча давлатларда ўрганилгани, асарларининг бир неча дунё тилларига таржима қилинганининг гувоҳи бўламиз.

Яқин икки йил ичида Европанинг кўпгина мамлакатларида ва Россия давлатида хизмат сафарида бўлдик. Хизмат сафаридан мақсад Тошкент давлат шарқшунослик университетида бажарилаётган **“Европа фондларида сақланаётган, Ўзбекистонда мавжуд бўлмаган туркий қўлёзмаларнинг маълумотлар базасини ва “Yevroturcologica.uz” электрон платформасини яратиш”** мавзусидаги грант лойиҳасида доирасида Ўзбекистонда йўқ туркий қўлёзмаларни топишдан ва халқимизга ўрганиш йўли билан қайтаришдан иборат. Лойиҳа мақсад и ва вазифаларидан келиб чиқиб, Франция, Германия, Австрия, Чехия, Финляндия, Швейцария, Эстония каби мамлакатларнинг энг йирик кутубхоналарида ишладим, бир қанча туркий қўлёзмаларни, жумладан, Алишер Навоийнинг асарларини ҳам кўздан кечирдик.

Германияда Алишер Навоий асарлари 88 та нусхада, Францияда 42 та, Финляндияда 27 та Чехияда 11 та, Швейцария 13 та, Эстонияда 8 та, Россияда 94 нусхада сақланади. (Бу менинг кўрганларим, аслида бу мамлакатларнинг бошқа шаҳарлари кутубхоналарида яна бўлиши мумкин) Булар ичида Навоий асарлари энг кўп сақланадиган фондлар Германия, Франция, Россия фондлари ҳисобланади.

Илмий манбаларга назар солсак, Европада биринчи бўлиб Навоий асарларини ўрганган олимлар француз олимлари эканини кўрамиз. Дунёга машҳур Париж миллий кутубхонасида Навоий асарларининг 42 та қўлёзма нусхаси сақланади. Туркий қўлёзмаларнинг 2 жилддан иборат тавсифини француз олими Эдгар Блоше яратган (1932-33) бўлиб, бу каталогда Навоийнинг 35 та қўлёзма асари нусхаларига тавсиф берилган. Францияга илмий сафаримиз давомида(2022 йил, март) бу каталогни ва Навоий асарларини ўрганган олимларнинг илмий ишларини кўришга муваффақ бўлдик.

Францияда XVII асрдаёқ шарқшунослик мактаблари очилган. Бартоломе д’Ербело де Моленвиль (1625–1695) и Франсуа де Бернье (1620–1681) бу мактабнинг илк битирувчилари бўлиб, ўзларинг шарқ қўлёзмалари ҳақидаги илмий ишларида Навоий қўлёзмалари ҳақида ҳам ахборот беришган. Жумладан, Бартоломе д’Ербело ўзининг “Шарқ кутубхонаси” номли қомусида Навоий биографияси, ижоди асарлари ҳақида илк маълумот берган. Сильвестр де Саси (1758–1838), Франсуа-Альфонс Белен (1817–1877), Анри-Паве де Куртейль (1821–1899), Люсьен Бува (1872–1942) каби олимлар Навоий асарларининг илк тадқиқотчилари ва таржимонлари саналади. Масалан, Анри-Паве де Куртейль Европада биринчи бўлиб шоирнинг “Муҳокаматул луғатайн” ва “Тарихи мулуки ажам” асарларидан француз тилида парчалар эълон қилган.[4]

Германиянинг Берлин, Мюнхен, Дрезден, Лейпциг каби шаҳарларидаги йирик кутубхоналарда назмий ва насрий дурдоналаримиз кўз қорачиғидек асраб келинаётганини ўз кўзим билан кўриб, гувоҳи бўлдим. Илмий сафарим давомида мазкур қўлёзма асарлар асосидаги немис шарқшуносларининг фактик маълумотларга бой бўлган илмий изланишлари билан ҳам танишиб, уларнинг туркий халқлар маданияти тарихида муҳим аҳамиятга эга эканлигига амин бўлдим.

Маълумки, адабиётшуносларимиздан У.Сатимов, Р.Абдуллаева, М.Тожихўжаев, З.Содиқов, А.Абдуллажанов, Х.Рахимов каби таниқли олимларимиз немис адабиётида маданиятимиз ва тарихимизга қизиқиш тарихини, жумладан, Навоий асарларининг Германияда ўрганилиши масаласини ўз илмий ишларида имкон қадар ёритишган. Хусусан, У.Сатимов Навоий асарларининг ғарбий Европада ўрганилишига бағишланган докторлик ишида (1996), Йозеф фон Хаммер Пургштал (1774-1856), Теодор Бенфей (1809-1881) каби, М.Тожихўжаев “Ўзбек мумтоз адабиёти намуналари Мартин Хартманн таржимаси ва талқинида” мавзусидаги тадқиқотида(2021) Мартин Хартманн (1851-1918) каби немис олимларининг жаҳон навоийшунослиги ривожига қўшган ҳиссаси борасида муҳим илмий назарий фикрларини баён қилишган. Ўзбек немис адабий алоқаларига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келаётган профессор Х.Рахимов Алишер Навоийнинг 580 йиллиги арафасида шоирнинг ғазалларини немис тилига таржима қилиб нашр эттиришга, бугунги олмон зиёлисини Навоий шеърятидан баҳраманд қилишга муваффақ бўлди. Ютуқларимиз кўп албатта, улар билан фахрланса арзийди.

Германия кутубхоналарида Алишер Навоийнинг “Хамса”, “Лисон ут тайр”, “Мажолис ун нафоис”, “Хамсат ул мутаҳаййирин”, “Махбуб ул қулуб”, “Тарихи мулки ажам “ каби асарлари, девонлари мавжуд бўлиб, турли

даврларда кўчирилган қўлёзма нусхалар саналади. Қўлёзма асарлар орасида “Махбуб ул қулуб” асарининг 1238 ҳижрий йилда кўчирилган ноёб нусхаси ҳам мавжуд.

Германияда Навоий асарларига қизиқиш қачондан ва нима мақсадда бошланган? Кимлар биринчилардан бўлиб шоирнинг қўлёзмаларига тавсиф беришган? Шоир асарларидан қайсилари немис тилига таржима қилинган? Албатта, бу саволлар барчани қизиқтириши табиий.

Германияда Алишер Навоий асарларига жиддий қизиқиш Берлин, Мюнхен ва Лейпциг университетларида туркология бўлимларининг (XIX-XX аср) очилиши билан боғлиқ. Туркология ривожидида Навоий асарларини ўрганиш муҳим эканини англаган К Броккельман М.Хартман, А. Кайзер, Г. Флюгель, Т. Бенфей, Х. Вамбери, Д. Шульц, М. Гетц, Т. Менцель, Х. Риттер, А.Курелла каби олимлар, айнан диққат эътиборни шу жиҳатга қаратиб, имкон қадар Германия фондларида йиғилган шоир асарларини ўрганишга ҳаракат қилганлар. Шоир қўлёзмаларига биринчилардан бўлиб тавсиф берган олимлар Вильгельм Перч (1889) ва Мартин Хартман(1900) саналади. Улар туркий қўлёзмалар тавсифига оид илмий асарларида Навоийнинг Берлин ва Гота шаҳарлари кутубхоналарида сақланаётган қўлёзмалари ҳақида батафсил маълумот беришган.

Вильгельм Перч бутун илмий фаолияти давомида нафақат туркий қўлёзмалар, балки арабий, форсий ва бошқа шарқ қўлёзмалари тавсифига бағишланган 8 жилд асар яратган бўлиб, уларнинг асл нусхалари ҳозирда Гота шаҳри кутубхонасида сақланади. Германия фан тарихида бу қадар иқтидорли шарқшунос ва кўп каталог яратган бошқа олим бўлмаган. Бундан ташқари бошқа каталогларни кузатиш асосида Навоий қўлёзмалари тавсифи Жорг Краембер (1956), Барбара Флемминг(1968), Манфред Готз (1979), Ханна Сохвайде(1974) каби олимлар яратган илмий асарларда ҳам акс эттирилгани маълум бўлди.

Адабиётшунос олим М.Тожихўжаевнинг таъкидлашича, Навоий асарларидан дастлабки илмий изоҳли таржималар Г.Вамбери(1867) ва М. Хартман(1902) томонидан амалга оширилган. Ҳар иккала олим “Чиғатой тили” дарслигини яратиб, мисол тариқасида Навоий шеърларидан изоҳлари билан парчалар келтиришган. [3, б.274.]

Шунингдек, ушбу мақолада 1900 йилда Йоханнес Аветаряниане томонидан Навоийнинг 2та ғазали таржимаси диний характердаги “Шахид ул ҳақойик” журналида, 1946 йилда эса Альфред Курелла томонидан ”Фарҳод ва Ширин достонининг XVII боби таржимаси ”Neue Welt” журналида эълон қилингани ва бошқа таржималар ҳақида муҳим маълумотлар келтирилган.

Россиянинг Москва Қозон, Новосибирск, Пермь ва бошқа шаҳарлари кутубхоналарида Навоий асарлари ардоқланиб сақланади. Биргина Санкт-Петербург шаҳрининг ўзида 3 та жойда: Шарқ қўлёмалари институти фондида, СПб Давлат университети кутубхонасида ва Салтыков Щедрин номли Миллий кутубхонада Навоий асарлари қўлёмалари сақланади. Дунёда Навоий ижоди бўйича биринчи диссертация ҳам айнан Санкт-Петербург университети шарқшунослик факультетида, 1856 йилда, Михаил Никитский томонидан «*Амир Низомиддин Алишер: давлат арбоби ва шоир сифатида*» мавзусида ҳимоя қилинган. Михаил Никитский ўзигача Европа адабиётидаги тадқиқотларни, шунингдек, шоир яшаган йилларга яқин даврларда яратилган форсий ва туркий манбаларни синчиклаб ўрганади, улардан унумли фойдаланади ва адабий-илмий жамоатчиликни Навоий ижодининг энг муҳим қирралари билан таништиради. М.Никитский Алишер Навоийнинг илмий-ижодий меросини «*адабиёт гулзорининг энг сара гули*» деб баҳолайди. Муаллиф ўз фикрларини Бобур, Ҳусайн Бойқаро, Жомий каби шоир замондошларининг Навоийга берган баҳолари билан ривожлантиради. Олим Навоийнинг Россияда мавжуд қўлёмалари ҳақида маълумот берар экан, уларнинг кўпчилиги Европада йўқлиги, айниқса, бир қанча асарларни ўзида жамлаган «Куллиёти Навоий» ноёб манба эканини маълум қилади. Асар таркибида «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун», «Сабъаи сайёр», «Чиҳил ҳадис», «Назм ул-жавоҳир», «Сирож ул-муслимин», «Насойим ул-муҳаббат», «Лисон ут-тайр», «Маҳбуб ул-қулуб», «Тарихи мулуки ажам», «Хамсат ул-мутаҳаййирин», «Мажолис ун-нафоис», «Ҳайрат ул-аброр» – жами 15 та асар жамланганлигини маълум қилади. [2]

Шундан кейин М.Никитский Навоийнинг аввал туркий, кейин форсий асарларига бирма-бир қисқача изоҳ беради ва парчалар келтиради. Асарларни таърифлаш баробарида бу борада Навоий замондошлари ва Европа олимларининг фикрларидан ҳам мисоллар келтиради.

Шарқшунос олим, Семён Львович Волин (1909-1943) биринчи бўлиб Навоий асарларига тавсиф берган олим ҳисобланади. (Описание рукописей произведений Навои в ленинградских собраниях // Алишер Навои. М.; Л., 1946). Олим ушбу илмий асарида Санкт-Петербург фондларида Навоийнинг «Муҳокамат ул-луғатайн», «Сирож ул-муслимин», «Девони Фоний»дан бошқа барча асарлари мавжудлигини маълум қилади. С.Волин бир муддат, яъни 1930-1933 йиллар давомида Тошкентда, марказий архивда ҳам ишлаган. 1935 йилдан Санкт Петербург, ўша пайтда Ленинграддаги Шарқ қўлёмалари институтида илмий ходим сифатида фаолият юритган, Хоразм манбалари, туркий адабиёт бўйича тадқиқотлар олиб борган. Араб, форс, ўзбек, турк, туркман тилларини

мукаммал билган. Афсуски шундай олим, 1941 йилда қатағоннинг аёвсиз ғилдираги остига тушиб, 1943 йилда қийноқларда вафот этган.

Шарқшунос олим В.В.Бартольд «**Мир Алишер ва сиёсий ҳаёт**» номли монографиясида Навоийнинг тарихий биографиясини қўлёзма манбалар асосида ёритиб берган. Олим монографияда Алишер Навоийнинг ҳаёт йўлини, ижодий фаолиятини бор ҳолича, реал кўрсатишни мақсад қилади. Чунки шоир биографияси ёритилган кўп манбаларда Навоий дунёдан узилган, дарвешсифат, фақат шеър шоирлик шайдоси қилиб кўрсатилган. В.В.Бартольд ўзигача ёзилган тадқиқотлардаги камчиликларни ёритар экан, аниқ манба ва тарихий далилларга суянмай фикр айтиш илмий этикага тўғри келмаслигини уқтиради. [1, b.100-165]

Е.Э.Бертельс (1881–1957) Алишер Навоий ижодий меросини юксак текстологик тайёргарлик асосида жиддий ўрганган шарқшунослардан биридир. Умумий эстетик асосга эга бўлган турли халқ адабиётларининг қиёсий таҳлили олимга туркий адабиётнинг ўзига хослигини аниқлашга ёрдам берди. Олим ўзигача бўлган Европа олимларининг, жумладан, француз олими Франсуа Белен ва немис олими Йозеф фон Хаммер Пургшталнинг “Навоий форс адабиётининг тақлидчиси” деган қарашларини давр шарқшуносларининг энг катта «методологик хатоси», асар моҳиятини англамаслик деб билди, ўз изланишлари илан бу қарашни рад қилди ва Навоий асарларининг оригиналлигини исботлаб берди. Олим таҳлил жараёнида асарларнинг асосан фабуласига эътибор қилиш, қисқа тавсиф билан чегараланиш “*туркий адабиёт тўла қимматга эга эмас, форсий адабиётнинг такрори*” деган нотўғри хулосага олиб келганини маълум қилади.

Умуман, Алишер Навоий ҳаёти ва ижодини, бадиий асарларининг поэтик хусусиятларини, ўзаро адабий таъсир масалаларини махсус тадқиқ қилган А.Н.Самойлович, Е.Э.Бертельс, С.Л.Волин, А.Н.Кононов, М.Салье, каби олимларнинг илмий изланишлари рус навоийшунослигининг асосий қисмини ташкил этади

Бугунги кунда Ўзбекистонда “Алишер Навоий” халқаро журнали мавжуд ва унда шоир ижоди бўйича энг салмоқли мақолалар нашр этилади. Журналнинг 2022 йил биринчи сонидан профессор Афтондил Эркинов Навоий асарлари дунё каталогини ташкил қилиш таклифи ва ташаббусини баён қилади. Бу жуда тўғри бўлиб, бутун дунё навоийшунослари шу борада бирлашса арзийди.

Алишер Навоий туркий халқларнинг ғурур ва ифтихори, бутун дунё халқларининг интеллектуал бойлигидир. Буюк мутафаккиримизнинг ижод оламига саёҳат ва ижобий натижа чинакам саодат ва санъатдир. Устозимиз

Иброҳим Ҳаққул тўғри таъкидлаганидек, навоийшунослик маъно микёси ниҳоятда кенг ва улкан соҳа. Уни ҳар томонлама билиш ёки фикран қамраб олиш анча қийин юмуш. Навоийнинг улуғликда беқиёс, қудратли, яратувчан шахсиятини кенг ўрганиб, даҳо шоир асарларида тасвирланган маъно ва ҳақиқатларни Навоийга гўёки ҳисоб бераётгандай таҳлил ва талқин қилиш бурч ҳамда қалб заруриятига айлантирилса, ечими топилмайдиган муаммо қолмайди.

Европада навоийшунослик бугунги кунда ҳам жадал суръатлар билан давом этмоқда. Шоирнинг асарлари таржима қилинмоқда, таваллуд кунларида ҳалқаро анжуманлар, учрашувлар ташкил қилинмоқда. Демак, Европа навоийшунослиги жаҳон адабиётшунослигининг муҳим таркибий қисми бўлиб, бу соҳани кўп янги маълумот, таҳлил ва талқин билан билан бойитган ва бойитмоқда. Е.Э.Бертельс таъкидлаганидек, Навоий ижоди музейдаги экспонат ёки тарихнинг бир бўлаги эмас, у барҳаёт ва яшашда яна давом этади.

Адабиётлар:

1. Бартольд В.В. Мир Али Шир и политическая жизнь // Сб. Мир Али Шир. – Л.:1928. –С.100–165.
2. Никитский М. Эмиръ Низам–Эд–Динъ–Али Ширъ. Государственном и литературном его значении. Санкт–Петербург. 1856.
3. Тожихўжаев М. Из истории переводов произведений Алишера Навоий на европейские языки. //Вестник ЧПУ,2012, №2. - С.274.
4. Quatrimere M. Chrestomathie en turc oriental. Paris. 1841.